

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.06/2025.27.12.Tib.17.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҒАЙБУЛЛАЕВ ШЕРЗОД ОБИД ЎҒЛИ

МАГНИТ-РЕЗОНАНС ТОМОГРАФИЯ ТЕКШИРУВИДА АНИҚЛАНГАН
БОШ МИЯ ЎСМАЛАРИНИНГ ПАТОМОРФОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

14.00.15 – Патологик анатомия
14.00.19 – Клиник радиология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд - 2026

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Гайбуллаев Шерзод Обид ўғли

Магнит-резонанс томография текширувида аниқланган бош миё
ўсмаларининг патоморфологик хусусиятлари..... 5

Гайбуллаев Шерзод Обид ўғли

Патоморфологическая характеристика опухолей головного мозга,
выявленных с помощью магнитно-резонансной
томографии 27

Gaybullayev Sherzod Obid ugli

Pathomorphological characteristics of brain tumors detected by magnetic
resonance imaging..... 52

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 57

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.06/2025.27.12.Tib.17.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҒАЙБУЛЛАЕВ ШЕРЗОД ОБИД ЎҒЛИ

МАГНИТ-РЕЗОНАНС ТОМОГРАФИЯ ТЕКШИРУВИДА АНИҚЛАНГАН
БОШ МИЯ ЎСМАЛАРИНИНГ ПАТОМОРФОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

14.00.15 – Патологик анатомия
14.00.19 – Клиник радиология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд - 2026

Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2024.1.PhD/Tib4301 рақам рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертациянинг уч тилдаги (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) автореферати Илмий Кенгаш веб саҳифаси (www.sammu.uz) ва «Ziyonet» (www.ziyonet.uz) ахборот-таълим порталида жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар:

Жуманов Зиядулла Эшмаматович
тиббиёт фанлари доктори (DSc), профессор

Хамидов Обид Абдурахманович
тиббиёт фанлари доктори (DSc), профессор

Расмий оппонентлар:

Жўраева Гулбаҳор Бахшуллаевна
тиббиёт фанлари доктори (DSc), доцент

Юнусова Лалита Ринатовна
тиббиёт фанлари доктори (DSc), доцент

Етакчи ташкилот:

Урганч давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Самарқанд Давлат тиббиёт университети ҳузуридаги илмий даражаларлар берувчи DSc.06/2025.27.12.Tib.17.05 рақамли бир марталик Илмий Кенгашнинг 2026 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 140100, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд шаҳри, Анкабай кўчаси, 6-уй. Тел.: (+99866) 233-08-41; факс: (+99866) 233-71-75; e-mail: sammu@sammu.uz)

Диссертация билан Самарқанд Давлат тиббиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№. _____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 18-уй. Тел.: (+99866) 233-08-41; факс: (+99866) 233-71-75;

Диссертация автореферати 2026 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2026 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Г.Е. Тастанова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, доцент

А.А. Ким

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Ф.М. Хамидова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгаш қошидаги бир марталик Илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясига аннотация)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бош мия ўсмалари нейроонкологик касалликлар таркибида учраш частотаси ва юқори ногиронлик ҳамда ўлим кўрсаткичлари билан тавсифланувчи долзарб тиббий-ижтимоий муаммолардан бири ҳисобланади (Sung H. et al., 2021). «...бош мия ўсмаларини уларнинг патоморфологиясини ўрганиш, МРТ ёрдамида бирламчи ташхисни ишлаб чиқиш бутун дунё беморларига даволашни самаралироқ қилишда муҳим аҳамиятга эга...»¹. Замонавий нейровизуал диагностика, жумладан, магнит-резонанс томография (МРТ) технологияларининг ривожланишига қарамай, бош мия ўсмаларининг гистологик турини аниқлаш, ўсма ва перитуморал зонадаги патоморфологик ўзгаришларни баҳолаш ҳамда уларнинг ўзаро боғлиқлигини аниқлаш ҳозирги нейроонкологиянинг муҳим илмий йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда.

Бош мия ўсмаларининг морфологик хусусиятларини ўрганиш нафақат ташхисни морфологик тасдиқлаш, балки касалликни башоратлаш ва даволаш тактикасини танлашда ҳам муҳим аҳамиятга эга (Louis D.N. et al., 2021; Коновалов А.Н. и др., 2022). Замонавий микрожарроҳлик, нейронавигация ва анестезиология соҳасидаги ютуқлар нейрожарроҳлик амалиётлари самарадорлигини ошириш ва операциядан кейинги ўлим кўрсаткичларини камайтириш (15% дан 4% гача) имконини бермоқда (Коновалов А.Н. и др., 2022). Бироқ бош мия ўсмаларининг клиник кечиши ва прогнозини белгилаб берувчи морфологик ҳамда морфометрик ўзгаришларнинг МРТ белгилари билан ўзаро муносабатлари шу кунгача тўлиқ ўрганилмай қолмоқда.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, нейроонкологик касалликлар глобал соғлиқни сақлаш тизими олдида турган муҳим муаммолардан бири ҳисобланади. Ҳозирги вақтда Европа ва Шимолий Америка мамлакатларида нейроонкологик касалликларни эрта ташхислаш мақсадида МРТ ва бошқа юқори технологияли диагностика усулларида кенг фойдаланилмоқда. Шу билан бирга, МРТ маълумотларини патоморфологик ва морфометрик кўрсаткичлар билан қиёсий таҳлил қилиш, айниқса, турли гистологик турдаги ўсмаларда дифференциал диагностик мезонларни ишлаб чиқиш масалалари етарлича ўрганилмаган.

Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган ихтисослаштирилган тиббий ёрдам сифатини ошириш, касалликларни эрта ташхислаш ва замонавий диагностика технологияларини амалиётга жорий этиш бўйича кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етти та устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда “...бирламчи тиббий санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...”² каби вазифалар

¹ Aljahdali S, Azim G, Zabani W, Bafaraj S, Alyami J, Abduljabbar A. Effectiveness of radiology modalities in diagnosing and characterizing brain disorders. *Neurosciences (Riyadh)*. 2024 Jan;29(1):37-43.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони

белгиланган. Шу сабабли, бош мия ўсмаларини диагностика қилишда МРТ текшируви маълумотларини патоморфологик жиҳатдан тасдиқлаш ва ўзаро қиёсий таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир. Бугунги кунда турли гистологик турдаги ўсмаларнинг МРТ семиотикаси ва уларнинг ҳужайра даражасидаги патоморфологик ўзгаришлари ўртасидаги аниқ корреляцион боғлиқликлар етарлича очиб берилмаган. Ушбу жиҳатларни чуқур ўрганиш ва дифференциал диагностика алгоритмларини такомиллаштириш мазкур тадқиқотнинг асосий илмий муаммоси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ПФ-60-сон, 2020 йил 12 ноябрдаги «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6110-сон Фармонлари, 2020 йил 12 ноябрдаги «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-4891-сон, 2021 йил 28 июлдаги «Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-5199-сон ва 2022 йил 25 апрелдаги «Бирламчи тиббий-санитария ёрдамини аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-215-сон қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонининг ўрганилганлик даражаси. Магнит-резонанс томография (МРТ) ёрдамида аниқланган мия ўсмаларининг, патоморфологик хусусиятлари замонавий тиббиёт фанида кенг ўрганилмоқда. Жумладан, МРТ технологияси мия ўсмаларини ташхислашда кенг қўлланилади. МРТ самарадорлигини ошириш бўйича тадқиқотлар, жумладан, юқори аниқлик ва яхшиланган сезувчанликка эга янги техникани ишлаб чиқиш, ўсмаларни юқори аниқликда тасвирлаш ва тавсифлаш фаол давом этмоқда (Савостикова М.В. ва бошқ., 2020; Яковлев. С. А. ва бошқ., 2020; Каримов Ж.М., 2021).

Бош миянинг турли ўсмалари юзасидан олиб борилаётган патоморфологик изланишлар уларнинг структуравий тузилишини ўрганишга қаратилган бўлиб, ҳужайра патологияси каби бошқа омилларни таҳлил қилишни ўз ичига олади (Коновалов Н.А. и др., 2019; Шамова Т.В., 2020).

Тадқиқотлар МРТ топилмалари ва симптомлар, ўсма даражаси ва прогнози каби беморларнинг клиник хусусиятлари ўртасида боғлиқликни ўрнатишга ҳаракат қилади. МРТ да мия ўсмаларини тавсифлаш бўйича тадқиқотлар ҳам янги даволаш усуллари ривожланишига таъсир кўрсатмоқда. Бу жарроҳлик усуллари, нурлитерапия, кимётерапия ва

молекуляр мақсадли терапияни ўз ичига олиши мумкин.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқотлари Самарқанд давлат тиббиёт университетининг №5436 012400287«Жароҳатлар, жарроҳлик касалликлари ва ўсмаларни олдини олиш, ташхислаш ҳамда даволашнинг замонавий технологияларини яратиш ва амалиётга жорий этиш» (2024-2028) мавзусидаги илмий тадқиқот режаси доирасида олиб борилди.

Тадқиқотнинг мақсади: Магнит-резонанс томография текширувида аниқланган бош мия ўсмаларини патоморфологик хусусиятларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бош миянинг МРТ текширувида аниқланган яхши сифатли ўсмалари ва улар атрофидаги тўқималарнинг патоморфологик ҳамда морфометрик хусусиятларини аниқлаш;

бош миянинг ёмон сифатли ўсмалари ва перитуморал зонадаги морфологик ўзгаришларни асослаш;

МРТ семиотикаси ва патоморфологик текширув натижаларини қиёсий таҳлил қилиш орқали турли гистогенезга эга (яхши сифатли, ёмон сифатли ва метастатик) ўсмаларнинг радиологик ва морфологик ўзига хос хусусиятларини очиқ бериш;

олинган комплекс (МРТ ва патоморфологик) маълумотлар асосида бош мия ўсмаларининг дифференциал диагностикасини такомиллаштириш алгоритминини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти: Магнит-резонанс томография текширув усулида аниқланган 273 нафар беморнинг бош миянинг бирламчи ва метастатик ўсмалари.

Тадқиқотнинг предмети: Нейрожарроҳлик амалиётида олиб ташлаган ўсмаларини ва ўсма атрофидаги тўқималар тузилмаларини морфологик ва морфометрик жиҳатларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг усуллари. Магнит резонанс текшируви, макроскопик ва микроскопик текширувлар, бош мия ўсмаларидан тайёрланган гистологик кесмаларни гематоксиллин-эозин усулида бўйаш, морфометрик усуллар, микрофотография, статистик таҳлил усуллари қўлланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

МРТ сигналларининг интенсивлиги ва радиологик белгилари бош мия яхши сифатли ўсмаларининг аниқ патоморфологик хусусиятлари (хужайра тузилиши, периваскуляр бўшлиқ ҳолати) билан тўғридан тўғри корреляцион боғлиқлиги аниқланган;

ёмон сифатли ўсмалар атрофидаги перифокал шиш нафақат томирлар ва периваскуляр бўшлиқ ўзгаришлари, балки нейронлар, перицеллюляр бўшлиқ ва нейропилнинг деструктив ўзгаришлари ҳисобига шаклланиши морфометрик жиҳатдан исботланган;

илк бор бош миянинг турли гистогенезга эга бўлган ўсмаларида (бирламчи ва метастатик) МРТ семиотикаси ва патоморфологик верификация

натижалари ўртасидаги дифференциал-диагностик тафовутлар очиб берилган;

МР-томографик ва патоморфологик (шу жумладан морфометрик) кўрсаткичларни ўзаро интеграция қилиш асосида бош миё ўсмаларини эрта ва аниқ дифференциал диагностика қилиш алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

Бош миё бирламчи ва метастатик ўсмалари ҳамда ўсмалар атрофидаги тўқима тузилмаларида кузатиладиган морфологик ва морфометрик ўзгаришлар ўсманинг гистологик тури ва яхши/ёмон сифатлилиқ даражасига боғланган ҳолда қиёсий таҳлил қилинди. Турли гистогенезга эга ўсмаларда перицеллюляр ва периваскуляр бўшлиқлар, нерв хужайралари ва қон томирларида морфологик ва морфометрик хусусиятларида ўзига хос фарқлар аниқланди.

Магнит-резонанс томография текшируви маълумотлари ва патоморфологик ўзгаришларни таққослама баҳолаш асосида бош миё ўсмаларининг дифференциал ташхисоти бўйича қўшимча диагностик мезонлар ишлаб чиқилди ва улар асосида дифференциал ташхис алгоритми таклиф этилди.

Таклиф этилган алгоритм тўрт кетма-кет босқичдан иборат: I босқич – МРТ текшируви (T1, T2, FLAIR, DWI режимларида сигнал интенсивлиги ва контраст тўпланиш хусусиятини баҳолаш); II босқич – радиологик мезонларни таҳлил қилиш (перифокал шиш даражаси, некроз ўчоқлари, ўсма чегараларини баҳолаш); III босқич – морфометрик верификация (ПЦБ ва ПВБ нисбатини ўлчаш, нейрон диаметри, глиал хужайралар зичлигини аниқлаш); IV босқич – комплекс дифференциал ҳулоса (МРТ ва патоморфологик кўрсаткичлар асосида ўсма гистологик турини аниқлаш). Ишлаб чиқилган алгоритм 2 та даволаш-профилактика муассасаси амалий фаолиятига жорий этилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий клиник, лаборатор ва инструментал усуллардан фойдаланиш билан тасдиқланди. Олинган барча натижалар ва ҳулосалар далилларга асосланган тиббиёт тамойилларига асосланади. Статистик ишлов бериш олинган натижаларнинг ишончлилигини тасдиқлади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти:

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бош миё ўсмалари ва перитуморал зонада хужайра даражасида кузатиладиган морфометрик ўзгаришларнинг МРТ тасвирларида акс этиш хусусиятлари илмий жиҳатдан асослаб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган дифференциал диагностика алгоритми ҳамда МРТ ва патоморфологик қиёсий мезонларнинг нейрохирургия ва патологик анатомия амалиётида ташхис қўйиш аниқлигини ошириш, такрорий текширувлар сонини камайтириш ва даволаш тактикасини тўғри танлашга имкон яратиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши: Магнит резонанс томография текширувида аниқланган бош миё ўсмаларининг патоморфологик хусусиятлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: МРТ сигналларининг интенсивлиги ва

радиологик белгилари бош мия яхши сифатли ўсмаларининг аниқ патоморфологик хусусиятлари (хужайра тузилиши, периваскуляр бўшлиқ ҳолати) билан тўғридан тўғри корреляцион боғлиқлиги аниқлангани бўйича таклифлар Самарқанд давлат тиббиёт университетининг 2024-йил 25-сентябрдаги 2- сонли илмий кенгашнинг қарори билан тасдиқланган «Бош миянинг нейроепителиал хавфсиз ўсмаларининг мрт диагностикаси ва уларнинг патоморфологик хусусиятларини таснифлаш усуллари» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Жиззах филиалида 2024- йил 1- октябрдаги 3-сонли буйруқ билан патологик анатомия амалиётига ва Сурхондарё вилояти патологик анатомия бюроси бо‘йича 2024- йил 4- октябрдаги 6- сон буйруқ билан патологик анатомия амалиётига жорий қилинган. Ижтимоий самарадорлиги: тавсия этилган алгоритм ва услубларнинг патологик анатомия амалиётига жорий этилиши натижасида, МРТ текширувида аниқланган бош мия ўсмаларини морфологик ўзгаришларнинг патологоанатомик текширувларга доир хулосаларининг сифати оширилган ва уларнинг ишончилиги ҳамда асосланиши ва объективлиги таъминлаган. Иқтисодий самарадорлиги: Тавсия этилган услубларни амалга ошириш учун 3,5 ва 4,0 кун талаб қилинади, анъанавий тарзда текширув ўтказишда эса 8-10 кун талаб қилади, чунки анъанавий усулда жуда кўплаб қўшимча текширишлар ва врач мутахассислар маслаҳатлари олиниши талаб этилади. Кўриниб турибдики, тавсия этилган усулдан фойдаланган ҳолда патологик анатомия тадқиқотларини ўтказиш вақтини 2-2,5 баробар қисқартиради ва таклиф қилинган усулнинг қиймати ҳар бир ҳолат учун харажат маблағларини 2-2,5 баробарга қисқартириш имконини берган. Тавсия этилган усулдан фойдаланган ҳолда патологоанатомик текширишларини ўтказиш вақтини қарийиб 2-2,5 баробарга.

иккинчи илмий янгилик: Ёмон сифатли ўсмалар атрофидаги перифокал шиш нафақат томирлар ва периваскуляр бўшлиқ ўзгаришлари, балки нейронлар, перицеллюляр бўшлиқ ва нейропилнинг деструктив ўзгаришлари ҳисобига шаклланиши морфометрик жиҳатдан исботлангани бўйича таклифлар Самарқанд давлат тиббиёт университетининг 2024-йил 25-сентябрдаги 2- сонли илмий кенгашнинг қарори билан тасдиқланган «Бош миянинг нейроепителиал хавфсиз ўсмаларининг мрт диагностикаси ва уларнинг патоморфологик хусусиятларини таснифлаш усуллари» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Жиззах филиалида 2024- йил 1- октябрдаги 3-сонли буйруқ билан патологик анатомия амалиётига ва Сурхондарё вилояти патологик анатомия бюроси бо‘йича 2024- йил 4- октябрдаги 6- сон буйруқ асосида патологик анатоми амалиётига жорий этилган. Ижтимоий самарадорлиги: тадқиқот натижаларини патологик анатомия амалиётига жорий этилиши натижасида Магнит-резонанс томография усулида аниқланган бош миянинг ўсмалари тузилмаларидаги ўзгаришларини ишончли тарзда аниқлаш имкон берган.

Бундан ташқари, бош мия ўсмалари атрофидаги тўқима тузилмаларидаги ўзгаришлар ўсмалар турига боғлиқ ҳолда морфометрик кўрсаткичлар фарқланиши асослаб берилган. Бу эса ўз навбатида, патологоанатомик хулосаларининг сифати ва уларнинг ишончлилиги ҳамда асосланишини таъминлаган. Шу муносабат билан, қўшимча ёки такрорий текширувлар ўтказишнинг олдини олган, яъни ижро муддатини кескин қисқартирган. Иқтисодий самарадорлиги: Тавсия этилган патологоанатомик текширув услубларини амалга ошириш учун $2 \pm 0,2$ кун талаб қилинади, анъанавий тарзда текширув ўтказишда эса 5-6 кун талаб қилади, чунки анъанавий усулда ўлим вақтини аниқлаш масаласида кўплаб қўшимча текширишлар ва врач мутахассислар маслаҳатлари олиниши талаб этилади. Кўриниб турибдики, тавсия этилган усулдан фойдаланган ҳолда патологик анатомия тадқиқотларини ўтказиш вақтини 2-2,5 баробар қисқартиради ва таклиф қилинган усулнинг қиймати ҳар бир ҳолат учун 2-2,5 баробар харажат маблағларини қисқартиради. Бош мия ўсмалари тузилмаларидаги ўзгаришлар ўзгаришлар аниқлаш ҳолатларида тавсия этилган усулдан фойдаланган ҳолда патологик анатомия тадқиқотларини ўтказиш вақтини тахминан 2-2,5 баравар қисқартиради.

учинчи илмий янгилик: Илк бор бош миянинг турли гистогенезга эга бўлган ўсмаларида (бирламчи ва метастатик) МРТ семиотикаси ва патоморфологик верификация натижалари ўртасидаги дифференциал-диагностик тафовутлар очиб берилганлиги бўйича таклифлар Самарқанд давлат тиббиёт университетининг 2024-йил 25-сентябрдаги 2- сонли илмий кенгашнинг қарори билан тасдиқланган «Бош миянинг нейроепителиал хавфсиз ўсмаларининг мрт диагностикаси ва уларнинг патоморфологик хусусиятларини таснифлаш усуллари» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Жиззах филиалида 2024- йил 1-октябрдаги 3-сонли буйруқ билан патологик анатомия амалиётига ва Сурхондарё вилояти патологик анатомия бюроси бо'йича 2024- йил 4-октябрдаги 6- сон буйруғи билан патологик анатомия амалиётинга жорий қилинган. Ижтимоий самарадорлиги: Тадқиқот натижаларининг патологик анатомиялик амалиётига жорий этилиши натижасида Магнит-резонанс томография текширувида аниқланган бош миянинг нейронларидан, бош мия пардалари ва қон томирларидан ва бош миёда жойлашган безлардан ўсувчи хавфли ва хавфсиз ҳамда метастатик ўсмаларинининг натижалари кўрсаткичларига нисбатан, патоморфологик текширув натижаларининг морфологик ўзгаришларининг ўзига хос жиҳатларининг фарқ-тафовутлари асосланган. Бу эса ўз навбатида, патологик анатомия хулосаларининг сифати ва уларнинг ишончлилиги ҳамда асосланишини таъминлаган. Шу муносабат билан, қўшимча ёки такрорий патологоанатомик текширувлар ўтказишнинг олдини олган, Патологоанатомик текширувларининг муддатини кескин қисқартирган. Иқтисодий самарадорлиги: Тавсия этилган услубларга кўра, патологоанатомик текширувини амалга ошириш учун $2,1 \pm 0,2$ кун керак бўлади ва ушбу турдаги текширувни анъанавий тарзда ўтказиш учун $5 \pm 0,7$ кун

талаб қилинади, бу одатда морфологик ва морфометрик кўрсаткичларни турли ускуналарда қўшимча текшириш ва мутахассислар маслаҳатлари зарурати билан боғлиқ бўлган. Кўриниб турибдики, тавсия этилган усул ёрдамида патологик анатомия тадқиқотларини ўтказиш бундай текширишларни ўтказиш вақтини 1,5-2,0 баравар қисқартиради ва таклиф қилинган усул харажат маблағларини 2 баробарга қисқартиради. Бош миyanинг бирламчи ва метастатик ўсмлари тузилмаларидаги дистрофик ва некротик ўзгаришлар аниқлашда тавсия этилган усул ёрдамида патологанатомик тадқиқотларини ўтказиш бундай текширувларни ўтказиш вақтини 1,5-2,0 баравар қисқартиради ва таклиф қилинган усул харажатлари ҳар бир ҳолат учун маблағларини 2 баробарга қисқартиради.

тўртинчи илмий янгилик: МР-томографик ва патоморфологик (шу жумладан морфометрик) кўрсаткичларни ўзаро интеграция қилиш асосида бош миa ўсмаларини эрта ва аниқ дифференциал диагностика қилиш алгоритми ишлаб чиқилганлиги бўйича таклифлар Самарқанд давлат тиббиёт университетининг 2024-йил 25-сентябрдаги 2- сонли илмий кенгашнинг қарори билан тасдиқланган «Бош миyanинг нейроэпителиал хавфсиз ўсмаларининг мрт диагностикаси ва уларнинг патоморфологик хусусиятларини таснифлаш усуллари» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Жиззах филиалида 2024- йил 1-октябрдаги 3-сонли буйруқ билан патологик анатомия амалиётига ва Сурхондарё вилояти патологик анатомия бюроси бо‘йича 2024- йил 4-октябрдаги 6- сон буйруғи билан патологик анатомия амалиётига жорий қилинган. Ижтимоий самарадорлиги: Тадқиқот натижалари бўйича МРТ текширувида аниқланган бош миa ўсмаларининг тузилмаларида патоморфологик ўзгаришларни ишончли аниқлаш имконини беради ва бош миyanинг ўсмаларининг ўсиш манбаи ва турларига боғлиқ ҳолда ўсмалар тузилмаларидаги ўзгаришларнинг ўзга хослигини аниқлаш учун хизмат қилади. Бу эса ўз навбатида, бош миa ўсмаларини эрта аниқлаш ва беморлар эътирозларини бартараф этиш имконини берган. Иқтисодий самарадорлиги: Тавсия этилган алгоритм ва услубларга кўра, патологоанатомик текширувни амалга ошириш учун $2,0 \pm 0,2$ кун керак бўлади ва ушбу турдаги текширувни анъанавий тарзда ўтказиш учун $4 \pm 0,5$ кун талаб этилади. Кўриниб турибдики, тавсия этилган усул ёрдамида патологоанатомик тадқиқотларини ўтказиш вақтини 1,0-1,5 баравар қисқартиради ва таклиф қилинган усул харажатлари ҳар бир ҳолат бўйича харажат маблағларини қисқартиради. Тавсия этилган усул ёрдамида патологик анатомия тадқиқотларини ўтказиш вақтини 1,0-1,5 баравар қисқартиради ва таклиф қилинган усул харажатлари ҳар бир ҳолат маблағларини 1,5 баробарга қисқартиради.

Ш.О. Ғайбуллаевнинг "Магнит-резонанс томография текширувида аниқланган бош миa ўсмаларининг патоморфологик хусусиятлари" мавзусидаги диссертация тадқиқотида олинган юқоридаги 4 та илмий янгилик ва 1 та амалий тавсияларни амалиётга жорий этиш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2024-йил

26-ноябрдаги 9-сонли йиғилиш баённомасига асосан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 1 та халқаро ва 3 та миллий конференцияда муҳокама қилинди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, шу жумладан, 3 таси Республика ва 1 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўрта боб, хулосалар, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва қисқартмалардан ташкил топган. Диссертация ҳажми 120 бетли компьютер матнидан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларни илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, ишларнинг апробацияси натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Магнит-резонанс томография текширувида аниқланган бош мия ўсмаларининг патоморфологик жиҳатлари (адабиётлар шарҳи)»** деб номланган биринчи боби икки кичик бўлимдан ташкил топган бўлиб, унда бош мия ўсмаларини МРТ ва морфологик жиҳатдан ўрганишга оид жаҳон адабиётлари маълумотларининг батафсил таҳлили натижалари келтирилган.

Адабиётлар таҳлили мавжуд маълумотларнинг бир-бирига зидлиги ҳамда бош мия ўсмалари ва перитуморал тўқималардаги ўзгаришларни баҳолаш бўйича ягона ёндашув мавжуд эмаслигини кўрсатди ҳамда МРТда аниқланган бош мия ўсмаларининг патоморфологик хусусиятларини чуқур ўрганиш заруратини асослаб берди.

Диссертациянинг **«Магнит-резонанс томография текширувида бош мия ўсма касаллигида ўсма ва ўсма атрофи тўқималари тузилмаларининг морфологиясини баҳолашнинг услубий жиҳатлари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот материал ива усуллари оид маълумотлар келтирилган. Тадқиқотда белгиланган вазифаларни ҳал этиш учун Самарқанд давлат тиббиёт университети кўп тармоқли клиникасида нейрохирургия бўлимида МРТ текширувида аниқланган ва нейрожарроҳлик йўли билан олиб ташланган 273 нафар бемордаги бош мия ўсмалари ва ўсма атрофи тўқима

тузилмалари ўрганилди.

Тадқиқот материаллари клиник-гистологик мезонлар ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Марказий нерв тизими ўсмалари таснифига (WHO Classification of Tumours of the Central Nervous System, 2021) мувофиқ 2 та асосий гуруҳга ажратилди: I гуруҳ — бош миянинг яхши сифатли ўсмалари ва улар атрофидаги тўқималар; II гуруҳ — бош миянинг ёмон сифатли бирламчи ва метастатик ўсмалари ҳамда улар атрофидаги тўқималар.

МРТда аниқланган, нейрожарроҳлик йўли билан олиб ташланган ва гистологик тасдиқланган ўсмалар кичик гуруҳларга ажратилди. I гуруҳга нейроэпителиал яхши сифатли ўсмалар (эпендимома, олигодендроглиома, астроцитома), яхши сифатли менингиал ўсмалар (менингиал, фиброз, псаммоматоз, ангиоматоз), гипофиз аденомалари ҳамда бошқа яхши сифатли ўсмалар (краниофарингиома, холестеатома) киритилди. II гуруҳни нейроэпителиал ёмон сифатли ўсмалар (анapластик астроцитома, ёмон сифатли эпендимома, глиобластома) ва ёмон сифатли менингиал ўсмалар (менингиосаркома) ташкил этди.


Тадқиқотда клиник, нейровизуал, морфологик, морфометрик ва статистик усуллар қўлланилди. МРТнинг T1, T2, FLAIR ва DWI режимларида ўсманинг жойлашуви, чегаралари, сигнал интенсивлиги, перифокал шиш ва некроз ўчоқлари баҳоланди.

Нейрожарроҳлик амалиёти вақтида олинган ўсма ва перитуморал тўқима намуналари 10% ли нейтрал формалинда фиксация қилиниб, стандарт гистологик ишловдан ўтказилди. Парафин блокларидан тайёрланган кесмалар гематоксиллин-эозин билан бўялиб, ёруғлик микроскопида ўсма тузилмалари, нейронлар, глиал хужайралар, нейропил, қон томирлари девори, перицеллюляр ва периваскуляр бўшлиқлар ҳолати баҳоланди.

Морфометрик текширув ҳар бир препаратнинг камида 10 та кўриш майдонида $\times 400$ катталаштиришда ўтказилди. Нейронларнинг ўртача диаметри, ядро-цитоплазма нисбати, глиал хужайралар зичлиги, перицеллюляр (ПЦБ) ва периваскуляр (ПВБ) бўшлиқлар кўрсаткичлари Г.Г. Автандилов тавсия этган нуқтали тўр, окуляр микрометр ва махсус компьютер дастурлари ёрдамида аниқланди. Перитуморал тўқималар морфометриясида Индиаминов С.И. ва Жуманов З.Э. (2020) томонидан таклиф этилган ЭХМ дастурий таъминотидан фойдаланилди.

Диссертациянинг **“МРТ текширувида аниқланган бош мия яхши сифатли ўсмалари ва унга яқин тўқималарнинг патоморфологик ҳамда морфометрик хусусиятлари”** деб номланган учинчи бобида бош мия яхши сифатли ўсмалари ва ўсма атрофи тузилмаларидаги морфологик жиҳатлари келтирилган:

МРТ ҳосила қуриниши (1-расмга қаранг). IV-қоринчада ҳосил бўлган ҳажмли жараёни нейрожарроҳлик амалиёти билан бартараф этилгандан сўнг, ҳажмли жараён тўқимасидан тайёрланган микропрепаратларда микроскоп остида розеткага ухшаб майда қон томирларга яқин радиар кўринишдаги униполяр ва биполяр хужайралар кўзга ташланади.



T1-сагиттал


T2-акциал

Контраст сагиттал

FLAIR

1-расм. IV-қоринчанинг МРТ текширувида аниқланган ҳажмли жараён (Эпендимома).

Улар юмолоқ шаклдаги ядрога эга бўлиб, цитоплазмасида гидропик дистрофия кузатилади. Ўсманинг айрим жойларида катта ва кичик ҳажмли кисталар шаклланганлиги кўзга ташланади (2-расмга қаранг). Уларнинг таркибида атипик ҳужайралар аниқланмайди.



2-расм. Эпендимома. Майда ҳажмли эпендимал ҳужайралар. Перифокал шиш. Гематоксин-эозин бўёғи билан бўялган. Об.40, ок.10

Шундай қилиб, бош мия қоринчаларидан ўсувчи эпедимомалар яқин атрофидаги нейронларда некробиотик ва некротик ўзгаришларини келтириб чиқаради, қон томирларида эса некробиотик ўзгаришларнинг устунлиги қайд этилади (1-жадвал)

1-жадвал


Перивентрикуляр тўқима нейрон ва қон томирлари ҳамда ПЦБ ва ПВБ эгаллаган майдонларнинг ўзаро нисбати

ПЦБ ва нейронлар эгаллаган майдон нисбати			
ПЦБ	Нейрон	ПЦБ+Нейрон	ПЦБ/Нейрон(%%)
4,2±0,30	5,2±0,40	9,4±0,71	45/55
ПВБ ва қон томирлар эгаллаган майдон нисбати			
ПВБ	Қон томир	ПВБ+Қон томир	ПВБ/Қон томир (%%)
3,7±0,33	6,3±0,33	9,9±0,66	36/64

Эпендимома атрофида жойлашган бош мия ярим шарлари нейронлари атрофидаги бўшлиқ эгаллаган майдоннинг улуши 45 % ни, нейронлар эгаллаган майдон улуши 55% ни ташкил этади. ПВБ эгаллаган майдон улуши 36 % га, қон томир эгаллаган майдон улуши 64 % га тенгдир.

Олигодендроглиоманинг микроскопик текширувида бир хил ҳажмдаги қалин жойлашган изоморф ҳужайралар аниқланиб, уларнинг ядроси ҳужайраларнинг марказида шар шаклида жойлашган, ядрочаси яққол кўзга


ташланади (3-расмга қаранг).



3-расм. Олигодендроглиома. Изоморф ядроли хужайралар, ПЦБнинг кенгайиши, некроз ўчоқлари. Гематоксилин-эозин бўёғи билан бўялган. Об.40, ок.10

Цитоплазмаси оқиб рангга бўялган. Айрим жойларида некроз ўчоқлари ва микрокта борлиги аниқланади. Айрим соҳаларида эса урчуқсимон хужайлар кўзга ташланади. Глиал хужайралар оралиқларида майда ўлчамдаги қон томирлар халқалари аниқланади. Уларнинг атрофида жойлашган бош мия тўқимаси нейронларида периселлюляр бўшлиқнинг кенгайганлиги, Нейронлар ядросининг бир қутбга сурилганлиги кариопикноз ҳолати, кариорекси ва айрим нейронларда кариолизис ҳолати, цитоплазмасида шиш кузатилади. Нейронларга яқин жойлашган глиоситларнинг сони бироз ортган ва бир хил масофада ёнма-ён жойлашганлиги қайд этилади. Қон томирлар девори шишинган, эндотелоситларнинг пикнотик ҳолати ПВБ бироз кенгайганлиги қайд этилади.

МРТ текширувида 49 нафар беморда астроцитома аниқланган бўлиб, уларнинг 47% (23 нафари) аёл ва 53 % (26 нафари) эркаклардир. Уларнинг ўртача ёши $35-65 \pm 3,0$ ни ташкил этади.



4-расм. Фибрилляр астроцитома. Ядроси овалсимон ва чўзилган кўринишдаги хужайралар. Перифокал шиш. Гематоксилин-эозин бўёғи билан бўялган. Об.40, ок.10

Бош мия катта ярим шарларидан ўсувчи астроцитомалар ўзига хос морфологик тузилишга эга бўлиб, уларнинг асосини астроситлар ташкил этсада, бош мия асосий қон томирларидан тармоқланувчи майда капиллярлар уларни ривожланишида муҳим ўрин тутади. Астроцитомалар ичида фибрилляр астроцитомада (4-расмга қаранг) ПЦБ ва ПВБ эгаллаган майдон

улуши кўпроқ бўлиб, бу кўрсаткичлар МРТ текширувида кузатиладиган перифокал шиши кучлироқ ривожланишидан далолат беради.

Бош мия астроцитомаларига яқин жойлашган тўқима тузилмалариининг астроцитома турига мос равишда фарқланиши кузатилади. Уларнинг морфометрик кўрсаткичлари 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Астроцитома атрофида жойлашган бош мия тўқимасидаги морфометрик кўрсаткичлар (%)

Ҳолатлар сони	ПЦБ	Нейрон	ПВБ	Қон томир
Фибрилляр	5,13±0,19	2,9±0,18	4,9±0,15	4,4±0,27
Протоплазматик	4,8±0,14***	3,67±0,21	4,1±0,22***	4,9±0,22
Фибрилляр протоплазматик	4,6±0,13*** ^^	3,25±0,11*	4,7±0,16*** ^^	5,12±0,20* ^^

Изоҳ: * — 1-гуруҳ маълумотларига нисбатан фарқлар муҳим (* — $P<0.05$, *** — $P<0.001$); ^ — 2-гуруҳ маълумотларига нисбатан фарқлар муҳим (^ — $P<0.05$, ^^ — $P<0.01$, ^^^ — $P<0.001$).

Жадвал маълумотларига кўра, фибрилляр астроцитома атрофида ПЦБ ва нейронлар эгаллаган майдон улуши мос равишда 69% ва 31%, ПВБ ва қон томирлар майдони эса 53% ва 47% ни ташкил этди. Протоплазматик астроцитомада ушбу нисбатлар мос равишда 57/43% ва 45/55%, фибрилляр-протоплазматик астроцитомада эса 59/41% ва 45/55% ни ташкил қилди.


Статистик таҳлил МРТнинг T2 ва FLAIR режимларидаги гиперинтенсивлик даражаси билан периваскуляр бўшлиқларнинг кенгайиши ва глиал хужайралар пролиферацияси зичлиги ўртасида кучли тўғридан-тўғри корреляцион боғлиқлик мавжудлигини кўрсатди ($r=0,78$; $p<0,05$). Бу МРТ белгиларининг ўсма турларини дифференциация қилишдаги аҳамиятини кўрсатади.

МРТда менингиома аниқланган 80 нафар беморнинг 45 нафари (56%) аёл ва 35 нафари (44%) эркак бўлган. Менингиомаларнинг микрокистоз, менинготелиал, фиброз, псаммоматоз ва ангиоматоз турлари морфологик хусусиятлари билан фарқланди. ПЦБ ва ПВБнинг энг яққол кенгайиши фиброз менингиомада, нейронлар ҳажмининг кичрайиши ва ПВБга нисбатан қон томирлар эгаллаган майдоннинг ортиши эса микрокистоз менингиомада кузатилди.

Менинготелиал менингиома атрофида ПЦБ ва нейронлар эгаллаган майдон улуши мос равишда 63% ва 37%, ПВБ ва қон томирлар майдони эса 49% ва 51% ни ташкил этди. Фиброз менингиомада ушбу кўрсаткичлар нерв тўқимаси ва қон томир структураларида мос равишда 66/44% ва 66/44% ни ташкил қилди.

Псаммоматоз менингиомада ПЦБ ва нейронлар эгаллаган майдон нисбати 57/43%, ПВБ ва қон томирлар майдони нисбати 55/45% бўлди. Ангиоматоз менингиомада ушбу кўрсаткичлар мос равишда 63/37% ва 52/48% ни ташкил этди.


Микрокистоз менингиомада ПЦБ эгаллаган майдон улуши 62%, нейронлар майдони 38%, ПВБ майдони 45%, қон томирлар эгаллаган майдон эса 55% ни ташкил этди (5-расм).



5-расм. Менингиомалар атроф тўқималари тузилмаларининг морфометрик кўрсаткичлари


Гипофиз беи ўсмалари аниқланган беморлар сони жами 35 нафарни ташкил этиб, шулардан аёллар (43 %) 15 нафар ва эркеклар (67 %) 20 нафардир. Шуларнинг 9 нафарида хромофоб аденома аниқланган бўлиб, уларнинг 3 нафари аёл (33 %) ва 6 нафари (77 %) эркеклардир. 7 нафар беморда ацидофил-эозинофил аденома аниқланган (4 нафари аёл (57%), 3 нафари эркек (43%). Базофил аденома аниқланган беморлар сони жами 13 нафарни ташкил этади (5 нафар аёл (38%), 8 нафар эркеклар (62%)). Ацидобазофил аденомалар жами 6 нафар беморда кузатилиб, аёл ва эркеклар нисбати 50/50 % га тенг.

Гипофиз бевидан хромофоб аденома ривожланган беморларнинг МРТ текширувида хиазма-селляр соҳада аниқланган, T1- изоинтенсив, T2- ва FLAIR қаватли изогиперинтенсив (6-расмга қаранг).



6-расм. Бош миянинг МРТ текширувида аниқланган ҳажмли жараён.


Хромофоб аденома ҳужайраларида некробиотик ўзгаришлар билан бирга митотик бўлиниш ҳолатидаги ҳужайралар аниқланади, уларнинг оралиқларида бириктирувчи тўқима ривожланиши, трабекуляр кўриниш касб этади. Хромофоб аденома атрофида жойлашган нейронларда кучли шиш, ядросининг кариопинози ва кариорексиси ҳамда кўп сонли нейронларда кариолизис ҳолати аниқланади, ўсиқлари калталашган ва йўғонлашган. ПЦБ торайиши кузатилади. Қон томирлари девори шишинган, айрим перпаратлард стаз ҳолати қайд этилади. Эндотелиоситларда шиш ва кариопикнотик ҳолат ривожланади. ПВБ торайиш кузатилади (7-расмга қаранг).



7-расм. Гипофиз безининг хромофоб аденомасы. Некробиотик ўзгаришлар, трабекуляр тузилиш, ПЦБ торайиши. Гематоксин-эозин бўёғи билан бўялган
Об.40, ок.10

Эозинофил аденома бошқа аденомалардан қон томирларга бойлиги ва цитоплазмасида доначалр тутиши билан ажралиб туради. Эозинофил аденома атрофидаги нейронларда кучсиз шиш, аксарият нейронлар ядросида кариопикнотик ҳолатлар қайд этилади. ПЦБ бироз торайган. Қон томирлар девори эндотелиоситлар пролиферацияси ҳисобига қалинлашган айрим жойларида васкулиризация жараёни кузатилади. ПВБ торайган.


Гипофиз аденомалари атрофида жойлашган нерв тўқимасининг морфометрик кўрсаткичлари ўртасида фарқ-тафовутлар мавжуд. Жумладан, хромофоб аденома атрофида жойлашган ПЦБ эгаллаган майдонинг улуши 40 % ни, нейрон эгаллаган майдон 60 % ни ташкил этади. Бу кўрсаткичлар мос равишда ацидофил аденома атрофида 57/43% нисбатга, базофил аденома атрофида 62/38% нисбатга ва ацидобазофил аденома атрофида 71/29 % нисбатга тендир (8-расм).



8-расм. Гипофиз аденомалари атрофида жойлашган нерв тўқималари морфометрик кўрсаткичлари.


Гипофиз аденомалари атрофида жойлашган қон томир тўқимасининг морфометрик кўрсаткичлари ўртасида ҳам сезиларли даражада фарқ-тафовутлар мавжуд. Жумладан, хромофоб аденома атрофида жойлашган бош мия тўқимасида ПВБ эгаллаган майдонинг улуши 42 % ни, қон томир эгаллаган майдон улуши 58 % ни ташкил этади. Бу кўрсаткичлар мос равишда

ацидофил аденома атрофида 63/37 % га, базофил аденома атрофида 58/42 % га, ацидобазофил аденома атрофида 51/49 % га тендир (9-расм).



9-расм. Гипофиз аденомалари атрофида жойлашган бош мия қон томирларининг морфометрик кўрсаткичлари.

Краниофарингиома аниқланган беморларнинг МРТ текширувида бош миyanинг хиазма-селляр соҳасида жойлашган хажмли ҳосила (10-расмга қаранг).




10-расм. Бош миyanинг МРТ текширувида аниқланган хажмли ҳосила (Краниофарингиома)

Краниофарингиома бириктирувчи тўқима атрофида жойлашган хужайралардан иборат яхши сифатли ўсма бўлиб, уларнинг стромасини бириктирувчи тўқима ташкил этади. Ўсманинг айрим жойларида кератоид дегенерация ҳолати аниқланади. Ўсма тўқимасига кальций тузлари тез тўпланади. Улар одатда кистачалар ва гранулемалар ҳосил қилиш хусусиятига эга. Краниофарингиома атрофидаги ПЦБ ва ПВБ бўшлиқларнинг кенгайиши қайд этилади.


Краниофарингиома атрофида жойлашган бош мия тўқимасида ПЦБ бирозгина кенгайиб унинг эгаллаган майдон ҳажми 59 % ни, нейронлар эгаллаган майдон ҳажми эса, 41% ни ташкил этади. ПВБ эгаллаган майдон улуши 58% ни, қон томир эгаллаган майдон 42% га тенг эканлиги қайд этилади.

Холестеатома аниқланган беморлар МРТ текширувида кўприк-миyча бурчагида чап томонлама T2-ВИ режимида гиперинтенсив, FLAIR ва T1ВИ режимида изо ва гипоинтенсив, DWI режимида чегараланган диффузия нотекис (11-расмга қаранг).



T1 T2 Flair Контраст
11-расм. Бош миянинг МРТ текширувида аниқланган ҳажмли ҳосила (Холестеатома)

Холестеатома (Эпидермоид) бош мия секин ушиб, бош мия тўқимасининг ичига ҳам кириб бориши мумкин. Гистологик жиҳатдан ўсувчи қисми мидан донатор қават ривожланади ва улардан мугуз қават ривожланади. Улардан мугуз модда ишлаб чиқади ва бириктирувчи тўқима билан уралиш хусусиятига эга(12-расмга қаранг).




12-расм. Холестеатома. Донатор ва мугуз қаватлар, мугуз модда тўпланиши, бириктирувчи тўқима. Гематоксилин-эозин бўёғи билан бўялган. Об.40, ок.10

Холестеатома атрофидаги бош мия тўқималарида нейрон ўсиқларининг калталашиши ва ингичкалашиши, контурларининг ноаниқлиги, ядроларда кариопикноз ва нейронларнинг бужмайиши аниқланди. Яққол глиал реакция, нейропилнинг ёруғлашиши ва ПЦБ кенгайиши кузатилди. Қон томирларида интима шиши, эндотелиоцитлар цитоплазмасида гидропик дистрофия, ядроларда пикноз ва ПВБ кенгайиши қайд этилди.

Бош миянинг яхши сифатли ўсмаларида МРТдаги локал T1-гипоинтенсив ва T2-гиперинтенсив ўзгаришлар морфологик жиҳатдан хужайралараро шиш, микрокисталар шаклланиши ва глиал реакция билан тавсифланди. ПЦБ ва ПВБ морфометрик кўрсаткичларининг МРТ белгилари билан корреляцион боғлиқлиги ушбу ўсмаларнинг эрта дифференциал диагностикаси учун морфологик асос бўлиб хизмат қилади.


«МРТ текширувида аниқланган бош мия ёмон сифатли ўсмалари ва унга яқин тўқималарнинг патоморфологик ҳамда морфометрик хусусиятлари» диссертациянинг тўртинчи бобида келтирилган. Анапластик астроцитома аниқланган 14 нафар беморнинг бош миянинг МРТ текширувида T2-ВИ ва FLAIR режимида гиперинтенсив, T1-ВИ режимида гипоинтенсив, ноаниқ контурли масс-эффект ҳолати аниқланди (13-расм). МРТ текшируви хулосаси: Мия ичи ҳажмли жараёни (Астроцитома, глиобластома)-пешона

соҳаси масс-эффект ва перифокал шиши.



13-расм. Бош мианинг МРТ текширувида аниқланган ҳажмли ҳосила (Астроцитома?)

Ушбу бош мия ҳажмли жараёни нейрожарроҳлик йўли билан олиб ташлангач, тўқимадан тайёрланган микропрепаратларда глиал толаларнинг кўп миқдорда бўлишига қарамасдан, ҳужайраларнинг устунлиги кузатилади. Анапластик астроцитома астроситларининг ядроси ҳар хил ўлчамли ва шакли ҳар хил бўлиб рангни ўзига кўп қабул қилиб гиперхромли кўринишга эга бўлади (14-расмга қаранг).



14-расм. Анапластик астроцитома. Гиперхромли полиморф ядроли ҳужайралар, эндотелиал пролиферация. Гематоксилин-эозин бўёғи билан бўялган. Об.40, ок.10

